

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, профессор
Зайналов Ж.Р.**

2012 йил «26» май

**“Ғазначилик” таълим йўналиши
ҒИ-108 гуруҳ талабаси Баракаев Ғофурнинг**

**«Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни
ошириш йўллари (Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмаси
маълумотлари бўйича)» мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: проф. Ибрагимов Н.А. –
“Novopharma plus” МЧЖ ҚҚ
Бош директори**

**Илмий маслаҳатчи: Товбаев М. –
Самарқанд вилоят Ғазначилик
бошқармаси бошлиқ муовини**

САМАРҚАНД - 2012

**“Ғазначилик” таълим йўналиши талабаси Баракаев Ғофур томонидан
“Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни ошириш
йўллари (Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмаси маълумотлари
бўйича)” мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига
ТАҚРИЗ**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ғазна тизими фаолият кўрсатиши ва ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни ошириш учун энг кулай шарт-шароитлар яратилиб келинмоқда.

Ҳар бир юридик субъектдан ўзининг таркибидаги маблағлар ва уларни молиялаштириш манбаларини доимий равишда назорат қилиб туриш талаб этилади. Фаолиятнинг барқарорлигини таъминлаб туришда юридик шахслар қарзли муносабатларга киришади. Бу эса улар мажбуриятларининг ошиб кетишига олиб келади. Ҳозирги кунда мажбуриятлар миқдори, таркиби ва динамикасини мунтазам равишда ўрганиб бориш ва таҳлил қилишда муаяйн методика яратилган. Мажбуриятлар таҳлилин корхонанинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда, аввало, мажбуриятларнинг юзага келиши, динамикаси, таркибий таҳлили, кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти, юридик шахсларнинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, молиявий мустақиллиги каби иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш таҳлилнинг долзарб вазифалари қаторига киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ишда муаммонинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларини илмий-амалий аҳамияти атрофлича асослаб берилган (ишнинг 3-8 бетларига қаралсин).

Ишда ғазна тизимида юридик ва молиявий мажбуриятлар, уларни қабул қилиш ва назорат қилиш тартиби, Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни тўғри бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган ва таклифлар ишлаб чиқилган. Шунинг билан бирга айтиш керакки; иш камчиликлардан холи эмас. Ишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмининг қисқа тузилганлиги мавжуд, таҳлилий маълумотлар асосида саёз доирасига асосланганлиги, ишнинг хулоса қисмида таклифлар қисқа ёритилганлиги кўзга ташланади. Буларга келгуси изланиш ишларида диққатни қаратиш муҳимдир.

Умуман олганда, қайд этилган камчиликлар ушбу ишнинг мазмунига катта таъмир этмаган. Ишончимиз комил, талаба уларни ишнинг ҳимоя кунига қадар бартараф этади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, талаба Баракаев Ғофур томонидан бажарилган биритув малакавий иши мустақил бажарилган, шу боис уни ДАК олдида ҳимоя этишга тавсия этилишини мақсадга мувофиқ деб биламан.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти
“Иқтисодиёт ва бошқарув”
факултети декани, доцент



А. Остонов

**“Ғазначилик” таълим йўналиши талабаси Баракаев Ғофур томонидан
“Ғазначилик тизимида юридик вазисмоний мажбуриятларни ошириш
йўллари (Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмаси маълумотлари
бўйича)” мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига илмий
рахбарнинг
МУЛОҲАЗАСИ**

Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни ошириш борасида қилинаётган ишлар буларнинг барчаси ғазна тизимини ривожлантиришга қаратилгандир. Шу боисдан мазкур битирув малакавий иши юридик ва молиявий мажбуриятларни оширишга қаратилган.

Битирув малакавий ишда мажбуриятларнинг моҳияти ва аҳамияти, ғазна тизимида мажбуриятларни рўйхатга олиш, қабул қилиш, назорат қилиш ва бошқариш, шартномаларни бошқаришни тўғри йўлга қўйиш ва ҳисобга олиш, юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш тартибини оқилона бошқариш ва ғазна тизимини ривожлантириш йўллари каби масалалар ўз аксини топган.

Энг муҳими талаб иш режасидан келиб чиқиб ҳар бир масалани тўлиқ ёритишга муваффақ бўлган. Амалий маълумотлардан фойдаланиш чекланган бўлса ҳам, талаба амалиёт ходимлари кўмагида қандай масалалар долзарб эканлигини била олган ва шунга кўра ўз фикрларини баён этган. Бу жуда муҳимдир.

Битирув малакавий ишида талаба томонидан айрим техник камчиликларга йўл қўйилган, улар қуйидагиларда намоён бўлган, яъни фойдаланилган адабиётлар рўйхати таркибида интернет сайтларининг йўқлиги, ишнинг ҳулоса қисмида ҳулоса ва таклифларни алоҳида ажратиб кўрсатилганлиги ишда келтирилган маълумотларни диаграмма шаклида берилмаганлиги шулар жумласидандир. Уларни эътиборга олиш ва тузатиш муҳимдир. Аммо ушбу камчиликлар битирув малакавий иши мажмуасига катта таъсир этмайди. Ишда келтирилган тавсияларни ҳозирги кунда амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Умуман битирув малакавий иши мазмунан талабга жавоб беради ва уни ижобий баҳолаш орқали ДАК аъзолари олдида ҳимоя этишга тавсия этишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

**Илмий раҳбар
“Novopharma plus” МЧЖ ҚҚ
Бош директори, профессор**



Н.А. Ибрагимов



Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Ғазначилик тизимида мажбуриятлар тизимини амал қилиш хусусиятлари	
1.1. Мажбуриятлар ҳақида тушунчалар.....	9
1.2. Ғазна тизимида мажбуриятларнинг таснифи.....	13
1.3. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш зарурияти.....	20
II Боб. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ҳолати ва таҳлили	
2.1. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш тартиби.....	26
2.2. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни назорати...	28
2.3. Ғазначилик тизимида харажатлар тўловининг амалга оширилиши ва нархлар мониторингини ташкил этиш йўллари.....	31
III Боб. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни тўғри бажарилишини таъминлаш йўллари	
3.1. Ғазначилик тизимида шартномаларни бошқаришни тўғри йўлга қўйиш ва ҳисобга олиш масалалари.....	36
3.2. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш тартибини оқилона бошқариш йўллари.....	40
3.3. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни тўғри рўйхатга олишида ғазна сиёсати таъсирини кучайтириш йўллари.....	44
IV Боб. Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	49
4.2. Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмаси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	51
4.3. Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	59
4.4. Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	66
Хулоса.....	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	72

Кириш

Бугунги кунда мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги, мажбуриятлар миқдорининг тўғри баҳоланишига доир методологик асоснинг муаммолигича қолиб келинаётганлиги, мажбуриятларни молиявий ҳисобот шаклларида акс эттириш бўйича ўзаро мутаносибликларнинг етарли эмаслиги каби ҳолатлар ушбу кўрсаткич бўйича асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини бермайди.

Ҳар бир юридик субъектдан ўзининг таркибидаги маблағлар ва уларни молиялаштириш манбаларини доимий равишда назорат қилиб туриш талаб этилади. Фаолиятнинг барқарорлигини таъминлаб туришда юридик шахслар қарзли муносабатларга киришади. Бу эса улар мажбуриятларининг ошиб кетишига олиб келади. Ҳозирги кунда мажбуриятлар миқдори, таркиби ва динамикасини мунтазам равишда ўрганиб бориш ва таҳлил қилишда муаян методика яратилган. Фикримизча, мажбуриятлар таҳлилин корхонанинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда, аввало, мажбуриятларнинг юзага келиши, динамикаси, таркибий таҳлили, кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти, юридик шахсларнинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, молиявий мустақиллиги каби иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш таҳлилнинг долзарб вазифалари қаторига киради.

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги мажбуриятлари комплекс равишда таҳлил қилинди ва унинг методологик муаммолари очиб берилди. Республикамизда олиб борилган илмий тадқиқотлар кўрсатдики, мажбуриятларни таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш масаласи бир бутун ҳолда кўриб чиқилган эмас.

Мажбуриятлар таҳлили қисман корхонанинг молиявий ҳолат таҳлили мавзуси таркибида қараб чиқилган, холос. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилин такомиллаштириш бўйича ҳар

томонлама илмий асосланган тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мажбуриятларнинг назарий-методологик муаммолари билан асосан хорижлик иқтисодчи олимлар шуғулланган ва илмий тадқиқотлар олиб боришган. Улар жумласига Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, Н.П.Кондраков, Б.Нидлз, Я.В.Соколов, Т.П.Карпова, О.Е.Николаева, С.А.Николаева, В.Ф. Палий, М.Л.Пятов, А.Д.Шеремет, Т.В. Шишкова кабиларни киритиш мумкин¹.

Республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, шунингдек чоп этилаётган илмий мақола ва тезисларда мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий муаммолари қисман ўрганилган. Масалан, О.Бобожонов, А.В.Вохобов, А.К.Ибрагимов, А.Т.Иброхимов, А.А.Каримов, С.Махмудов, Б.А.Хасанов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, К.Б.Уразов, ларнинг асарларида мажбуриятларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг назарий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш муаммолари ўрганилган².

¹Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. / пер.с англ. А.В.Чмея, Д.Н.Исламгулова; под.ред. проф. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 495 с; Бухгалтерский учет: учебник / Н.С.Безруких, В.Б.Ивашкевич, Н.П.Кондраков и др.; Под. Ред. П.С.Безруких. - М.: Бухгалтерский учет, 1996. -576 с; Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: ИНФРА-М, 2003. - 454 с; Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. -М.: Финансы и статистика, 2000. 36-6.; Карпова Т.П. Управленческий учет. - Москва: Аудит, Изд. Объед. ЮНИТИ, 1998. - 346 с; Николаева О.Е., Шишкова Т В. Управленческий учет. 2-е изд., испр. и дополн. - М.: Эдиториал УРСС, 2001. - 336 с; Пятов М.Л. Управление обязательства организации. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 256 с; Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. - М.: ИНФРА-М, 1999. -250 с.

²Бобожонов О.Б., Жуманиёзов К.Ж. Молиявий ҳисоб. - Т.:Молия, 2002 -334 б.; Вохобов А.В., Иброхимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. -Т.: Шарк НМАК, 2005. -480 б; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва кишлоқ хужалиғи маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: Икт.фан.док. дис. ...автореф. – Т.: 2002. - 42 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. - 152 б.; Махмудов С. Акциядорлик жамиятларида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш: Икт.фан.ном. дис. ...автореф. –Т.: 2006. -226.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: 2008. - 252 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. - Самарканд.: Зарафшон, 2001. - 272 б.; Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2005. - 308 б. Уразов КБ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Т.: Фан, 2005. - 236 б.

Шуни таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва методологик муаммолар алоҳида тадқиқот объекти қилиб олинмаган ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитига мувофиқ ўзгариб бориши натижасида бу ишларни яхлит деб таъкидлай олмаймиз.

Умуман олганда мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик муаммолари етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Тадқиқот мақсади мажбуриятларнинг назарий ҳамда методологик асосларининг ҳолатини баҳолаш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- амалдаги қонунчиликни ва олимларнинг турли қарашларини таҳлил қилган ҳолда мажбуриятларнинг тавсифланишини назарий ва услубий жиҳатдан асослаш;
- мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишга оид меъёрий ҳужжатларни янада мукаммаллаштириш юзасидан назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш;
- мажбуриятларни таснифлашининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни амалга ошириш тартибини тадқиқ қилган ҳолда уни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;
- мажбуриятлар ҳисобининг аниқлиги ва ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби тамойилларини такомиллаштириш;
- мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобининг услубий асосларини такомиллаштиришга доир илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- мажбуриятлар бўйича хўжалик муомалаларини молиявий ҳисоботларда расмийлаштириш тартибини кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мажбуриятлар таҳлилининг назарий асослари, хусусиятлари ҳамда вазифаларини тадқиқ этиш натижасида уларни такомиллаштиришга оид таклифларни бериш;

- мажбуриятлар ҳолатини таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш;

- мажбуриятлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва улар тизимида рентабеллик кўрсаткичининг омилли таҳлилини амалга ошириш;

- хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятларини оптималлаштириш йулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси маҳаллий газначилик тизимининг молиявий фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мажбуриятлар назарий, амалий ҳамда методологик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқот методлари. Ишида илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, қиёслаш ва гуруҳлаш каби иқтисодий таҳлил ва статистик усуллардан кенг фойдаланилган.

Химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- мажбуриятларга оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқилиши;

- молиявий ҳисобот ахборотларининг аниқлиги ва ишончлигини тўлиқ таъминлаш мақсадида амалдаги счетлар режасига ўзгартиришлар киритиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқилиши;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ахволини ишончли ва тўғри баҳолаш мақсадида жорий тўлов қобилиятини аниқлаш услубиятини такомиллаштириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиши;

- мажбуриятларни баҳолаш, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва молиявий ҳисобот шаклларида ифодалаш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиши;

- хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятларни камайтириш, улар ҳолати ва ҳаракатини таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиши.

Илмий янгилиги:

-хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар тушунчасининг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди;

- республикамиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг назарий қарашларига танқидий ёндашиб, мажбуриятларни таснифлашнинг такомиллашган тартиби таклиф этилди;

- мажбуриятларнинг тўлиқ, аниқ ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлашга доир тартиб ва тамойиллар ишлаб чиқилди;

- мажбуриятларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиби такомиллаштирилди;

- юридик шахсларни молиявий ахволини ишончли ва тўғри баҳолаш мақсадида жорий тўлов қобилиятини аниқлаш услубиятини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

- мажбуриятлар таҳлилининг мақсади, вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди;

- юридик шахсларда мажбуриятларни камайтириш нуқтаи назаридан улар ҳолати ва ҳаракатини таҳлил қилиш кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди;

- мажбуриятлар рентабеллиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар тизими ишлаб чиқилди ва уларни таҳлил қилиш услубияти

такомиллаштирилди ва мажбуриятларни ўз вақтида бартараф этиш йўналишлари кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти юридик шахсларда мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш борасида назарий муаммоларнинг ечимини ҳал қилишда, фанларининг истиқболли йўналишларини ривожлантиришда методологик асос бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг юридик шахсларда мажбуриятларни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишда мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлили методологиясини такомиллаштириш имконини беради.

Олиб борилган тадқиқот натижалари “Ғазначилик асослари” фанини ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, тўрт боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот матни 75 бетдан иборат бўлиб, 2 та жадвал, 4 та чизма ва 1 та диаграммани ўз ичига олади.

I БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИДА МАЖБУРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Мажбуриятлар ҳақида тушунчалар

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ва самарали ислохотлар натижаси уларок иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги сақланиб қолинмоқда, бунга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида иқтисодиётнинг модернизация қилиниши, ишлаб чиқаришни эркинлаштириш дастурининг бекаму-куст бажарилиши ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар уртасида ўзаро мажбуриятларнинг ўз вақтида ижро этилиши, тўлов интизомига амал қилинишини келтириш мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳар бир корхона эркинлигининг таъминланиши билан бирга уларнинг масъулияти ҳам ошиб боради. Бу айниқса хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларида яққол намоён бўлади. Мавжуд мажбуриятлар ўз вақтида ҳал қилинмаса, мос равишда бир канча қушимча муаммоларнинг ҳам келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 234-моддасига мувофиқ, «Мажбурият — фуқаролик ҳукукий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тулаш ва хоказо ёки муайян ҳаракатдан узини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади»³.

Республикаимизда мажбурият тушунчасига Фуқаролик кодекси нуқтаи назаридан ёндашилади, бу ёндашув бухгалтерия ҳисобида мажбуриятларни таснифлаш, баҳолаш ва акс эттиришга тула-туқис мос келмайди.

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 234-модда.

Миллий ҳисоб тизимини халқаро стандартларга мослаштиришда бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектларидан бири ҳисобланган мажбуриятларни баҳолаш, таснифлаш ва тан олиш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда.

"Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал (тамойил) асослари" деб номланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида мажбуриятни одатда, актив олинганда ёки ҳўжалик юритувчи субъект активни сотиб олиш тўғрисида битимга киришган дакикадан пайдо бўлади, деб кўрсатилган⁴.

Юқорида кўрсатиб утилган тартибда мажбуриятлар тушунчасига чегара қуйилмаган. Ушбу тартибнинг қулайлиги тараккий этган ёки этмаган мамлакатларда ҳам, йирик ёки кичик корхоналарда ҳам қўлланилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботнинг 1-сон халқаро стандартида "мажбурият" тушунчаси бухгалтерия қондасига нисбатан умумий маънода ишлатилади; бу ўз навбатида, уларни кенгрок талкин қилиш имконини яратади. "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш тамойиллари" номли 1-сон МХХСнинг 47-параграфига мувофиқ мажбуриятлар "баланеда молиявий ахволни улчаш билан бевосита боғлиқ элементларга киради. Улар операцияларнинг молиявий натижалари ва бошқа воқеаларнинг уларнинг иқтисодий тавсифларига мувофиқ ҳисоботда бирлаштириш натижаси ҳисобланадиган бухгалтерия ҳисоби категориясидан иборат .

Бу ерда мажбурият тушунчаси - "мажбурият" атамасининг юридик маъносига мое келмайдиган махсус бухгалтерия атамасидир. Бу қоида бухгалтерия ҳисобининг мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойилига тўғри келади.

Шундай қилиб, МХХСга мувофиқ мажбурият бухгалтерия маъносида - энг аввало "актив" ва "капитал" сингари баланс элементидир. Иқтисодий

⁴ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.-Т.: УЗБАМА, 2003. -13 6,-16 6,-23 6.

ахборот таркибида мажбурият камида уч жиҳатдан кўриб чиқилиши лозим:

- 1) юридик, мажбурият муносабатларининг ҳукукий шакллари акс эттирувчи;
- 2) иқтисодий, мажбуриятларнинг олинган ёки берилган қарз сифатидаги маъносини ва мое операциялар самарадорлиги нуктаи назаридан ҳамда уларнинг корхоналар хўжалик жараёнларидаги аҳамиятини кўрсатувчи;
- 3) бухгалтерия, дастлабки икки жиҳат мазмунини фойдаланувчилар учун зарур ҳисобот ахборотлари таркибида келтириш имкониятини тавсифловчи.

Айтилган фикрлар Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган бухгалтерия ҳисобининг меъёрий ҳужжатларида қабул қилинган мажбуриятлар талкинини бухгалтерия ҳисоботида хўжалик субъектлари мажбурият муносабатларининг жами комплексини ёритишга имкон бермайди, деб тавсифлаш мумкин. Бухгалтерия ҳисоби предметида «ташкилотларнинг мулки, мажбуриятлари ва хўжалик операциялари» сифатида белгиланган. Аммо «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунда «мажбурият» ҳисоб категориясини кредиторлик қарзи сифатида анча тор маънода ифодаланган. Натижада мажбуриятнинг тўлиқ мазмунини очиб бериш имкони булмайди.⁵

Ушбу масалани янада ривожлантириб, россиялик иқтисодчи олим А.С. Бакаев қайд қиладики, амалдаги бухгалтерия қоидалари таъсирида мажбурият деб, ташкилотнинг ҳисобот санаси учуй мавжуд қарздорлиги ҳисобланиб, унинг хўжалик фаолиятида амалга оширилган лойихалар оқибати саналади ва улар бўйича ҳисоб-китоблар активларнинг чиқиб кетишига олиб келиши лозим⁶.

Мажбуриятлар иқтисодий таҳлил нуктаи-назаридан фикрланиб, иқтисодчи олимлар Ё.А.Абдуллаев, А.Т.Иброхимов, М.Р.Рахимовларнинг

⁵"Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш тамойиллари" номли 1-сон МХХСнинг 47-параграфи

⁶Бакаев А.С. Бухгалтерские термины и определения. -М.: «Бухгалтерский учет», 2002 г. с 71.

фикрича, «корхона томонидан карши томонга булган мажбуриятлар, карзларнинг барча турлари ва шакллари тушунилади».⁷

О.Б.Бобожонов ва К.Жуманиёзовларнинг таъкидлашича, «мажбуриятлар бу ҳисобот даврида ёки олдинги даврларда вужудга келган карзлар (кредиторлик) булиб, уларнинг копланиши (яъни сундирилиши) иқтисодий нафнинг камайишига, яъни мавжуд активларнинг камайишига олиб келади. Мажбурият, субъектнинг турли келишувларни бажариши натижасида вужудга келади ва товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар юзасидан келгусидаги тўловлар учун ҳукукий асос булиб ҳисобланади»⁸.

Ушбу фикр янада кенгайтирилиб, иқтисодчи олимлар А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов ва А.З.Авлокуловлар томонидан қуйидагича билдирилган: "Мажбуриятлар шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топширишни бажариш, пул тулаш ва бошқа мажбуриятларидир ёки муайян хатти-ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир"⁹.

Ишда ушбу қарашлар атрофлича таҳлил килинди ва узимизнинг таърифимизни ишлаб чикдик. Унга кура: мажбурият дейилганда ҳўжалик юритувчи бир субъектнинг бошқа субъектга мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тулаш ва бошқа ҳаракат натижасида юзага келадиган муносабатлар учун кейинги ўзаро ҳисоблашишларга асос булувчи ҳукукий муносабатлар тушунилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар бозорда фаолият кўрсатишининг зарур шартларидан бири бу ҳисоб-китоб ва молия интизомига катъий риоя қилишдир. Товарлар ва хизматлар бўйича барча ҳисоб-китоблар ҳар икки томон тасдиклаган шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда бажарилиши керак. Мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ишлаб

⁷ Абдуллаев Ё.А., Иброхимов А.Т., Рахимов М.Р. Иқтисодий таҳлил. -Т.: Меънат 2001. - 110 б.

⁸ Бобожонов О.Б., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. -Т.:Молия, 2002 -334 б.

⁹ Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: "Шарк" НМАК, 2004.

чиқаришда узилишларга, тўловларни амалга оширмаслик занжирига ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг купайишига, уларнинг молиявий ахволи ёмонлашувига олиб келади.

"Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" номли 1-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига кура "активлар, хизматлар ва ишлар харид килинишининг таннархи ёки киймати мажбуриятларни баҳолаш негизи бўлиб ҳисобланади".¹⁰

1.2. Ғазна тизимида мажбуриятларнинг таснифи

Бизга маълумки, дебиторлик қарзлар бухгалтерия балансининг актив қисмида, кредиторлик қарзлар эса пассив қисмида жойлашган. Шу боисдан амалиётда мажбурият дейилганида факат кредиторлик қарзларини тушуниш одат тусига кирган. Мажбуриятларнинг фаркли хусусияти шундаки, уларнинг кредитор қарз сифатида баҳоланувчи ва шартли мажбуриятлар билан ўзаро алоқадорликда тасаввур килинишидадир. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, мажбуриятларни тўлиқ гуруҳлаш мақсадида қуйидаги 1-чизмада унинг батафсил таснифи ишлаб чиқилган.

Мажбуриятларнинг бухгалтерияга оид мазмунини ўзгартириш бу бухгалтерия ҳисобидаги тартибининг алмашиши ва молиявий ҳисоботларда пайдо бўлган вақтидан тугатилган вақтига кадар акс эттирилишидир. Бу ҳолатда мажбуриятларни ҳисобга олиш тартибигина, яъни унинг соф бухгалтерия ҳисобига оид мазмунигина ўзгаради. Шундай қилиб, мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисобига оид ўзгаришлари дейилганда бухгалтерия ҳисоби счетларида мажбуриятлар ҳақидаги ахборотларнинг акс этиш методикаси алмашишини тушуниш керак бўлади.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. -Т.: ЎзБАМА, 2003.-13 6,-16 6,-23 6.

Бухгалтерия ҳисобида мажбуриятларнинг ўзгариши турли хил сабабларга кура юз беради. 1-жадвалда бухгалтерия балансида мажбуриятларнинг купайиш ёки камайиш сабаблари келтирилган.

Мажбуриятлар ўзгаришини бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш жуда муҳим. Шу туфайли бухгалтерия ҳисобида мажбуриятлар ўзгаришини акс эттиришда қуйидагиларга риоя қилиш лозим бўлади:

- бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳужжатларида ҳўжалик муомалаларини тўғри акс эттириш;
- мажбуриятларнинг юзага келиши ва тугатилиши вақтини бухгалтерия ҳужжатларида аниқ санада кайд этиб бориш;
- бухгалтерия балансида мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни аниқ кўрсатиш;
- бухгалтерия баланси ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномадаги кўрсаткичларнинг бир-бирига мос келишини таъминлаш;
- молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида мажбуриятларнинг юзага келиши ва тугатилиши ҳолатлари, асосий кредиторлар тўғрисида маълумотларни бериб ўтиш.

Мажбуриятлар	
Асосий фаолият билан боғлиқ кредиторлик қарзлар	Олинган ва ҳисоб-фактура тақдим этилган ёки мол етказиб берувчи билан расмий равишда келишилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ҳақини тўлаш юзасидан келиб чиқувчи мажбурият
Ҳисобланган ажратмалар	Олинган, аммо ҳисоб-фактура тақдим этилган ёки мол етказиб берувчи билан расмий равишда келишилмаган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ҳақини тўлаш юзасидан келиб чиқувчи мажбурият
Олинган кредитлар ва қарзлар	Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг кредит муассасаларидан оладиган кредитлари, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектдан оладиган қарзлар
Баҳоланувчи мажбуриятлар (захиралар)	Муддати тугамагунча аниқ бўлмаган қарздорлик суммаси
Шартли	Келгусида зарар ёки қарздорликни келтириб

1-чизма. Мажбуриятларнинг таснифи¹¹

Юқорида кайд этилган ҳолатларга эътиборни каратиш, уларнинг амал килинишини таъминлаш, бухгалтерия ҳисобида мажбуриятлар ўзгариши ҳолатлари тўғрисидаги ахборотларнинг аниқлигини таъминлашга хизмат килади.

1-жадвал

Бухгалтерия балансида мажбуриятларнинг ўзгариш сабаблари¹²

Баланс моддаси	Сабаблар	
	Кўпайиш	Камайиш
Узоқ муддатли мажбуриятлар		
Қарзлар ва кредитлар	Банк кредити ёки қарз шартномасига кўра ҳисобот йили охирида фоизларнинг ҳисобланиши	Агар узоқ муддатли кредит ёки қарзни узиш муддати ҳисобот санасидан сўнг 12 ой ичида бўлса, счетлар бўйича қолдиқлар қисқа муддатли мажбуриятга ўтказилади.
Бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар	Узоқ муддатли қарз ёки кредитнинг олиниши	Қарз ёки кредитнинг қайтарилиши
Қисқа муддатли мажбуриятлар		
Қарзлар ёки кредитлар	Ҳисобот даври охирида узиладиган кредит ва қарзларнинг ҳисобланиши	Қарз ёки кредитларнинг қайтарилиши
Кредитор қарзлар	Қарздорликнинг юзага келиши (сотиб олинган маҳсулот, иш, хизмат учун, иш ҳақи, бюджет ва ҳоказо)	Қарзнинг узилиши, тўлаш муддати тугагандан кейин қарзнинг воз кечилиши
Таъсисчиларга дивидентларни тўлаш бўйича қарздорлик	Таъсисчиларга дивидент ҳисобланиши, аммо тўланмаслиги	Дивидентларнинг тўланиши
Келгуси давр даромадлари	Ҳисобот даврида олинган, аммо кейинги ҳисобот давларига тааллуқли даромадларнинг юзага	Муддат тугагандан сўнг харажатларга ўтказилиши

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

	келиши	
Бошқа қисқа муддатли мажбуриятлар	Мажбуриятларнинг юзага келиши	Мажбуриятларнинг узилиш

Бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар доирасида мажбуриятларни тартибга солиш ва уларни камайтириш бўйича айрим ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада килинган ишлар натижасида Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидладики: "Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати утган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сумдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди"¹⁵.

Жорий кредиторлик қарзларни қайта кўриб чиқиш, корхона тасарруфида маблағ қолдирилиши хўжалик субъектлари фаолиятини яхшилаш ва мажбуриятларни тартибга солиш, уларни ҳисобини тўғри ташкил этиш, мажбуриятлар таркибини таҳлил этиш имконини беради. Мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш аввало ҳисоб тамойилларига асосланади.

Мажбуриятларни тўғри акс эттириш учун икки ёклама ёзув усулидан фойдаланилади. Бунда узлуксизлик, хўжалик операциялари, активлар ва пасивларнинг пулда баҳоланиши, аниқлик, ҳисоблаш, олдиндан кура билиш (эҳтиёткорлик), мазмуннинг шаклдан устунлиги, кўрсаткичларнинг қийинчанлиги, молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги, ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги, активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши каби бир канча тамойилларга таянилади.

Фикримизча, мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисоби ва уларнинг корхона молиявий ҳисоботида акс эттирилишида қуйидаги асосий тамойилларни қўллашни тавсия этамиз:

- тўлиқ ёритилганлик (бу тамойилга мувофиқ молиявий ҳисобот баланс ва ҳисобот билан чегараланган, лекин мажбурият объекти бўйича (муддатлар, мажбуриятларни кайтариш суммаси, акциялар бўйича дивидендларни эълон қилиш) ҳисоботларнинг алоҳида бандларига маълумот ва қушимча тушунтиришларни тақдим этувчи эслатмалар ҳам мавжуд бўлади;

- автономлик (корхона ва унинг муассисларининг банк ҳисоб рақамлари, шунингдек, мажбуриятлар бўйича уларнинг жавобгарлиги ажратилган бўлиши лозим; молиявий ҳисоботда факатгина мулкдорларнинг устав капиталига бадаллари бўйича мажбуриятлари ва мулкдорлар олдида фоиз, дивиденд ва бопшалар шаклидаги мажбуриятлар акс этиши назарда тутилган).

Фикримизча, юқорида кайд қилиб утилган тамойилларнинг амал қилиши бухгалтерия ҳисоби мажбуриятларнинг тўлиқ, аниқ ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлайди.

Маълумки, бухгалтерия ҳисобида кирим корхонага берилган қарзни, чиқим эса корхонанинг бировга берадиган қарзни ифодалайди. Айни пайтда, қарз суммаси, унинг муддати, инфляция даражаси ва бошқа омилларнинг қушилишига қараб, корхонада аниқ мажбурият - дебитор ёки кредитор қарздорлик мавжудлиги фойда ёки зарарнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Фикримизча, корхонанинг кирими ва чиқимларидан иборат мажбуриятларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тухтатилиши ҳолатлари бухгалтерия ҳисобида энг аввало қуйидаги икки вазифани бажаришни:

- 1) хўжалик фаолиятининг кирим ва чиқим ҳолатларини тан олиш, шу жумладан ҳисобда мажбуриятларни тан олиш пайтини аниқлашни;
- 2) кирим ва чиқимларнинг корхона мажбуриятлари суммаси тарзида ҳисобот даврларига киритилиши улар учун молиявий натижага утказишни тақозо этади.

Умумий қоидаларга биноан корхона томонидан тузилган битимдан келиб чикадиган мажбуриятлар битимни томонлардан биттаси бажарган вақтидан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Масалан, икки корхона маҳсулот учун кейин пул тулаш шарти билан битим тузади. Битимни тузиш пайтидан келишув иштирокчилари булган ташкилотларда шартлар орқали белгилаб қуйилган маълум битим-мажбуриятлар пайдо бўлади. Сотувчида белгиланган муддатда молни унинг миқдори, сифати, бутловчилари, урами ва хоказолар тўғрисидаги битимнинг шартларига биноан бериш мажбуриятлари пайдо бўлади. Харидорда бу молни қабул қилиб олиш ва белгиланган муддатда унинг пулини тулаш мажбурияти юзага келади. Мазкур мажбуриятлар битим бўйича томонлар зиммасига юклатилган, уларнинг бажарилиши шарт, уларнинг бажарилмаслиги эса мажбуриятни бузган томон учун қонун орқали маълум масъулиятни қўзда тутди. Бунинг устига, бажарилиш эҳтимоли нуқтаи назаридан харидорнинг мол учун тўлови аслида сотувчи томонидан амалга оширилган молни етказиш орқали амалга оширилган мажбуриятдан фарқ қилмайди.

Шунга қарамай, энг аввало белгиланган амалдаги қоидаларга мувофиқ кўрсатилган мажбуриятлар томонларнинг ҳисобида уни бажариш бошланганидан қўлгана ҳисобларда акс эттирилади.

Маълумки, "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисоблари режаси ва уни қўллаш бўйича Иуриқнома" нумли 21-сон БХМСнинг учинчи қисм "Мажбуриятлар" деб номланиб, у "Жорий мажбуриятлар" нумли VI бўлим ва "Ўзоқ муддатли мажбуриятлар" нумли VII бўлимдан иборат. VI бўлимнинг ҳисоблари қўлданнинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

Ҳисобларда, бухгалтерия ҳисобида 6011-"Мол етказиб қўлувчилар ва қўлданчилар бўйича муддати қўлтирилган жорий мажбуриятлар" ва 7011-"Мол етказиб қўлувчилар ва қўлданчилар бўйича муддати қўлтирилган мажбуриятлар -ўзоқ муддатли қисми" ҳисобларининг қўлиши мол етказиб

берувчилар ва пудратчилар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятларни алоҳида ҳисобга олиб бориш ва "Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома" 2а-шаклда алоҳида кўрсатиш имконини беради.

Шу уринда яна бир масалага алоҳида эътиборимизни қаратишимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйругининг 6-илоvasи булган "Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома" 2а-шаклда кредиторлик қарзларининг турлари алоҳида ажратиб кўрсатиш белгиланган.

Маълумки, кредитор қарзлар бухгалтерия ҳисобида сундириш муддатигача ёки ҳисобдан чиқарилгунга қадар акс эттирилиши лозим.

Фараз қилайлик, корхона қандайдир сабабга кура кредиторлик қарзини сундира олмади. Шу билан бирга кредитор корхонадан ўз қарзини ундириш мақсадида ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмади. Мазкур ҳолатда корхона томонидан кредиторлик қарзини сундириш бўйича мажбурият қачон пайдо бўлади? Бу ҳолатда кредиторлик қарзини сундиришни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Муддати утказиб юборилган кредиторлик қарзларини аниқлаш мақсадида корхона томонидан йилига қаида 1 марта мулк ва мажбуриятларни инвентаризациядан утказиб туриш талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

1. Дебиторлик қарзларининг сезиларли даражада қупайиши қорхонанинг молиявий барқарорлигига таҳдид солади ва молиялаштиришнинг қушимча маблағларини жалб қилишни талаб этади. Шу сабабли таҳлил қилишда уларнинг ўзаро нисбати ва дебиторлик қарзининг қупайишини қузатиб бориш ва унинг олдини олиш бўйича тадбирлар белгилаш;

2. Муддати утган қарзлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолатини назорат қилиб бориш. Инфляция шароитида тўлов муддатининг исталган

узайтирилиши бажарилган иш кийматининг маълум бир қисминигина олиш имконини беради;

3. Дебитор ва кредитор қарзларнинг муддати утиши сабаблари ва уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Хўжалик субъектларининг мажбуриятлари ҳақида ахборотлар таҳлили нуктаи назаридан таърифлаш шундан иборатки, бухгалтерия ахборотлари факат тузилган хўжалик шартномалари бажарилиши ҳолатини акс эттиради. Бунда молиявий ҳисоботда хўжалик субъекта томонидан тузилган, лекин бажарилиши бошланмаган битимлар ҳақида маълумотлар акс эттирилмайди.¹³

1.3. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш зарурияти

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тарафэса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади.

Шартномаларнинг тузилиш ва бажарилиш жараёни бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, Фуқаролик кодекси ва 1998 йил 29 августдаги N 670-I-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни бу жараёни тартибга солувчи энг асосий қонуний ҳужжатлардир. «Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шартномаларда ушбу Кодекснинг 9-бобида назарда тутилган икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар

¹³Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз таравдиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: "Ўзбекистон", 2010. -53-6.

кўлланилади»¹⁴.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига кўра, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ☐ хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;
- ☐ тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
- ☐ шартнома интизомига риоя этиш;
- ☐ тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади. Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади. Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак.

Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма ҳулосасидан кейингина тузилади. Ҳулосада қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

- ☐ хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;
- ☐ хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши;
- ☐ тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Шартнома тушунчаси. 353-модда.

қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Мажбурият – фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатлари бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга оширишидир. Масалан, мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўловларини амалга ошириш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, мажбурият – бу ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Шартномаларга асосан вужудга келадиган мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиқади.

Бюджет тизимида:

□ мажбуриятларни қабул қилиш – бюджет ташкилоти томонидан смета харажатларида кўзда тутилган маблағлар доирасида келажакда молиявий харажатларни амалга ошириш ҳаракатидир;


□ мажбурият ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга асосан мажбурият қабул қилиш ҳуқуқи бўлган шахс томонидан амалга оширилади (ташкилот раҳбари ёки унинг буйруғи билан ваколат берилган масъул шахс);

□ қабул қилинадиган мажбуриятлар суммаси тасдиқланган бюджет маблағлари меъёридан ошиб кетмаслиги лозим.

«Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш

муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди»¹⁵.

Шартномаларда мажбуриятларни ҳисобга олишдаги омиллар қуйидагилардан иборат (2-чизмага қаралсин).



2-чизма. Шартномаларда мажбуриятларни ҳисобга олишдаги омиллар

Мажбуриятларни қабул қилиш асослари:

- контракт ва шартномалар имзолаш асосида (тендер бўйича харидлар, товар ва хизматлар сотиб олиш, қарздорлик бўйича шартномалар, патентлар, лицензиялар, суғурта ва бошқалар);
- қонуний асос мавжудлиги (стипендия, нафақа пуллари ва бошқалар);
- давлат ваколатли органлари қарорлари (жарималар ва суд қарорларига асосан пенялар);

¹⁵Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августда қабул қилинган N 670-I-сонли Қонуни.

- бир томонлама қарорлар (дотациялар, грантлар, мукофотлар).

Маълумки, давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтишнинг асосий мақсадлари:

- Давлат бюджета маблағларини самарали бошқариш;
- Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни янада кучайтириш;
- Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар сифатини ошириш ва уларни тайёрлаш муддатларини қисқартириш бўлиб ҳисобланади.

Молиявий назорат қуйидаги уч боскичда амалга оширилади:

- Дастлабки назорат;
- Жорий назорат;
- Якуний назорат.

Давлат бюджета ижросининг ғазначилик тизими жорий этилиши билан дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджетдан маблағ олувчилар билан биргаликда ғазначилик органларига ҳам юклатилади. Якуний назорат Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бош карма ва бўлимлари ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджет маблағлари олувчилари мажбуриятларини ҳисобга олинишини тақозо этади.

Мажбурият - бу одатда ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб килинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади.

Бюджет тизимида:

Мажбуриятларни қабул қилиш - бу бюджет ташкилоти томонидан смета харажатларида кўзда тутилган маблағлар доирасида келажакда молиявий

харажатларни амалга ошириш ҳаракатидир;

Мажбурият ҳукукий меъёрий ҳужжатларга асосан мажбурият қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан қабул қилинади;

Қабул қилинадиган мажбуриятлар суммаси тасдиқланган бюджет маблағлари меъёридан ошиб кетмаслиги лозим.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимида уч асосий омил:

а) Мажбуриятларни қабул қилиш асослари;

б) Мажбурият қабул қилиш ҳуқуқига эга масъул шахслар;

в) Мажбуриятнинг икки хил тури фарқланади: юридик ва молиявий.

Бюджет маблағлари олувчи бюджет ташкилоти раҳбари ёки у томонидан

ваколат берилган бошқа масъул шахслар мажбуриятларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Юридик мажбурият шартнома тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади.

Юридик мажбуриятларни ҳисобга олишни асосий мақсади бюджет назоратининг самарадорлигини янада орттириш, яъни харажатларнинг тасдиқланган режадан ошиб кетишига йўл қўймаслик.

II БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИДА ЮРИДИК ВА МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ

2.1. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш тартиби

Мажбуриятларни қабул қилиш ҳуқуқига эга жавобгар шахслар:

- мажбуриятларни қабул қилиш бюджет маблағларини оловчи вазифасига киради;
- бюджет маблағлари оловчи бюджет ташкилоти раҳбари ёки бу вазифа юклатилган шахслар ҳисобланади;
- ғазначилик бўлимларида ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган барча бюджет маблағ оловчи ташкилот раҳбарлари ва бош ҳисобчи имзо намуналари, ҳамда бюджет ташкилоти муҳри намуналари бўлиши керак. Ушбу намуналар ғазначиликнинг махсус карточкаларида сақланади.

Юридик мажбурият:

- шартнома рўйхатдан ўтгандан кейин вужудга келади;
- шартномани имзолашдан олдин бюджет маблағлари мавжудлиги текширилади;
- шартнома тўлиқ юридик кучга эга бўлиши учун ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтилади.

Молиявий мажбурият:

- товар ва хизмат етказиб берилгандан кейин счет-фактура ёки бюджет ташкилотининг кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган шароитда вужудга келади;
- молиявий мажбурият ғазначиликнинг Бош китобида қайд қилинади;

•молиявий мажбурият шартнома ёки бошқа келишувларнинг муддати ўтгунга қадар қопланади.

Юридик мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади – бюджет назоратини таъминлаш, яъни харажатларнинг тасдиқланган режадан ошиб кетишига йул қўймасликдир. Шунингдек, молиявий мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади – қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет режаси меъёрида харажатларни амалга оширишни таъминлаш ҳамда бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларини назорат қилишдир.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш уч босқичли назоратни тўлиқ жорий қилишни тақозо этади. Бюджет ташкилоти контрагентдан товарлар сотиб олиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида офертани (таклифни) қабул қилиб олганидан сўнг, шартномани акцептлайди (имзолайди) ва ғазначиликка рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади. Юридик мажбурият вужудга келиши учун бу шартноманинг рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади.

Қуйидаги жадвалда бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобининг тузилиши берилган.

2-жадвал

**Бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар)
етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни
рўйхатдан ўтказиш китоби**

(сўмларда)

N	Шартномани рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси	Номи ва реквизитлари		Шартномани тузиш рақами ва санаси	Сумма
		бюджетдан маблағ олувчида	товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчида		
1					
2					

3					
...					

2.2. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни назорати

Ғазначиликда юридик мажбурият вужудга келишидан аввал дастлабки назоратни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, бу нархлар мониторинги орқали таъминланади. Бунда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, товар хом ашё биржалари, бозорлардан маълумотномалар, рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифлари олиш, оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрларидаги маълумотларни умумлаштириш мумкин.

Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган назорат турлари қуйидагилардан иборат:

- бюджет маблағлари олувчилар ва бошқа жавобгар шахсларнинг имзо ва муҳрларини солиштириш;
- юридик мажбуриятнинг рўйхатдан ўтиш рақами мавжудлигини текшириш;
- бюджет таснифидан тўғри фойдаланилганлигини назорат қилиш;
- ҳисоб - китобларнинг тўғрилигини назорат қилиш;
- кредиторнинг реквизитлари аниқлигини назорат қилиш;
- бюджет маблағлари мавжудлигини назорат қилиш.

Ҳар бир шартномага бир нечта (энг камида 4 та) етказиб берувчининг тижорат таклифи илова қилиниши, бунда ҳар бир етказиб берувчининг реквизитлари (номи, манзили, телефон рақамлари, раҳбари тўғрисидаги маълумотлари) аниқ кўрсатилиши, етказиб берувчилар шу соҳада узоқ

йиллик иш тажрибасига эга бўлган, юқори маққели корхоналар бўлиши тавсия этилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирилувчи товарлар эса бевосита импортёрдан сотиб олиниши нархларнинг асоссиз ўсишининг олдини олади.

Бюджет ташкилотлари билан товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида тузилган шартномаларни бошқаришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.05.2005 й.да 1475 рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 05.05.2005 йилдаги 63-сонли Буйруғи билан тасдиқланган “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом” ҳисобланади. Низомга кўра, бюджетдан маблағ олувчилар етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар, шунингдек, шартномаларга бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари доирасидагина қўшимча ва ўзгартиришлар киритадилар. Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли молия органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак.

Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкин. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади.

Шартноманинг шарти тарафлар келишувида бошқача тартиб белгилаб

қўйилмаганлиги туфайли қўлланиладиган норма (диспозитив норма)да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг қўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилганидан бошқача шартни белгилашлари мумкин. Бундай келишув бўлмаганда шартноманинг шarti диспозитив норма билан белгиланади. Агар шартнома шартлари тарафлар ёки диспозитив норма билан белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли шартлар тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган иш муомаласи одатлари билан белгиланади.

Шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади. Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади.

Шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва ҳ.к.) қўлланилади. Шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади. Ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Қонунда ёки

шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин. Бундай шарт ёзиб қўйилмаганда тарафлар мажбуриятни бажаришининг шартномада белгилаб қўйилган охириги муддатигача амал қилади, деб ҳисобланади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

2.3. Ғазначилик тизимида харажатлар тўловининг амалга оширилиши ва нархлар мониторингини ташкил этиш йўллари

Молия органларида нархлар мониторингини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисида”ги Низом ҳисобланади.

Мазкур Низом Давлат бюджети, Давлат бюджетида консолидациялашувчи давлатнинг мақсадли фондлари маблағлари, ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, Жаҳон банки гуруҳи, ЕТТБ, ОТБ, Халқаро ҳамкорлик Япон банки, «KfW» банки каби халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан тақдим этилган хорижий грантлар маблағлари эвазига импорт қилинган ёки Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил қилиш механизмини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача тартиб белгиланган бўлса ёки хорижий грантлар ва кредитлар тақдим этилишида бошқача шартлар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда мазкур Низом тартиби қўлланилмайди.

Тендерларни ўтказиш мақсади қуйидагилардан иборат:


- хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олишга йўналтирилган давлат бюджети, давлат бюджетда консолидациялашувчи давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари маблағлари, ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, хорижий грантлар маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини орттириш;
- сотиб олинаётган хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларнинг сифат даражасини орттириш.

Қуйидаги чизмада Ғазначилик орқали харажатлар тўловининг амалга оширилиши кўрсатилган.

3-чизма

Ғазначилик орқали харажатлар тўловининг амалга оширилиши





Республикадаги корхоналар билан ҳисоб-китоблар фақат миллий валютада амалга оширилади. Тендерларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ошкоралик, қарорларни қабул қилишнинг объективлиги, тендер катнашчиларига тенг шароит яратиш, шу билан бирга маҳаллий корхоналарга устуворлик бериш бўлиб ҳисобланади.

Тендер савдолари харажатларни амалга ошириш рухсат берилган сумма (тасдиқланган сметалар, молия органлари ёки бюджетдан ташқари фондлар маблағларини тасарруф этувчилар кўрсатмалари ёки ҳукумат кафолати остида олинувчи кредитлар бўйича кредит шартномаси, хорижий грантлар бўйича шартномалар) доирасида амалга оширилади.

Битта контракт бўйича 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўпроқ суммага товар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) режалаштирилганда тендер савдолари ўтказилади. Бундан кам суммадаги контрактлар энг яхши таклифларни конкурс асосида танлаб олиш йўли билан тузилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги амалга оширилади. Бунда ғазначилик ҳудудий

бўлинмаларининг бюджетдан маблағ олувчилари томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари мониторинги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим қиладиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилади.


Бюджетдан маблағ олувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиши жараёнида Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотда кўрсатилган нархлардан ортиқ бўлган нархларда тузилган шартномалар Ғазначилик ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.

Келгусида ғазначиликда бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинувчи товарлар нархлари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уни тузиш ва янгилаб боришда Республика товар хом ашё биржасидаги нархлар котиловкасини, Давлат Божхона Қўмитаси маълумотлар базасини, республикадаги юқори мавқега эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ва ихтисослаштирилган реклама нашрлари маълумотларини ҳисобга олиш тавсия этилади. Бюджет ташкилоти ва таъминотчи ўртасида тузилган шартнома Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилиб, таъминотчи рўйхатдан ўтган шартномани олгандан кейин, шартнома шартларига асосан товар ва хизматлар етказиб беришни бошлайди. Ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтмаган шартномалар бўйича таъминотчи товар ва хизматлар етказиб бермайди.

4-чизма

Ғазначилик органлари билан молия органларининг ўзаро муносабатлари

Ғазначилик органлари билан молия органларининг ўзаро муносабатлари



8

Товар ва хизматлар етказиб берилгандан сўнг таъминотчи бюджет ташкилотига счет-фактура (бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси)ни тақдим этади. У ёки бу томон шартнома шартларини бажармаган тақдирда шартнома суммаси камайтирилиши ёки у бекор қилиниши мумкин. Масалан, етказилган товар ва хизматлар шартномада кўрсатилган товар ва хизмат талабларига (сифати, ҳажми ва бошқалар) жавоб бермаган тақдирда бюджет ташкилоти ғазначилик бўлимларига шартномани бекор қилиш ҳақида сўров хужжати тайёрлаб, тақдим этиши керак. Бекор қилиш ҳақидаги сўровномада кўзда тутилган шартномани бекор қилиш мақсадида, рўйхатдан ўтказилган шартнома бўйича барча маълумотлар тўлиқ акс эттирилиши лозим. Шартномани бекор қилиш сўровномаси қабул қилинган мажбурият суммасини қисман ёки умуман бекор қилади. Маълум суммага бекор қилинган юридик мажбурият шу суммага бюджетга тикланади.

Тўлов аризаси – счет фактура асосида тайёрланадиган бухгалтерия хужжатидир. Тўлов аризаси – бу бюджет ташкилотини кредиторга маълум суммани тўлаш учун ғазначиликка тақдим этиладиган топшириқномадир. Тўлов аризасини тайёрлаш бюджет ташкилоти вазифасига киради. Бюджет

ташкilotи счeт – фактурани кабул қилган пайтнинг ўзида икки нусхада тўлов аризасини тегишли ғазначилик бўлимларига қонунчиликда назарда тутилган вақтда тақдим этиши лозим. Аризага қонунчиликка асосан мажбурий ҳужжатлар, масалан, счeт – фактура, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва бошқалар илова қилинади. Бюджет ташкilotи счeт фактурани кабул қилган санасини ёзиб қўйиши шарт.

III БОБ. ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИДА ЮРИДИК ВА МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ТЎҒРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ғазначилик тизимида шартномаларни бошқаришни тўғри йўлга қўйиш ва ҳисобга олиш масалалари

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжаликшартномаси дейилади.

Шартномаларни тузилиши ва бажарилиши жараёни бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, Фуқаролик Кодекси ва 1998 йил 29 августдаги N 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу жараённи тартибга солувчи энг асосий қонун ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Қонунга кўра, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;
- тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
- шартнома интизомига риоя этиш;
- тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар уртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хужалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш хаки миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма ҳулосасидан кейингина тузилади.

Хул осада, қоида тарикасида қуйидагилар кўрсатилади:

хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

- хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

- тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни

қоплашдан озод этмайди.

Бюджет ташкилотлари билан товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи)лар ўртасида тузилган шартномаларни бошқаришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.05.2005 й.да 1475 рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 05.05.2005 й.даги 63-сонли Буйруғи билан тасдиқланган "Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом" бўлиб ҳисобланади.

Низомга кўра, бюджетдан маблағ олувчилар етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар, шунингдек шартномаларга бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари доирасидагина қўшимча ва ўзгартиришлар киритадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли молия органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак.

Шартномани ҳисобга олиш молия органи томонидан бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчининг номи ҳамда реквизитлари, шунингдек шартнома суммаси, унинг рақамлари ва тузиш санаси, молия органи томонидан Вақтинчалик низомга 1-сон иловага кўра бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш учун бюджетдан маблағ олувчи молия органига шартноманинг битта асл нусхаси ва битта кучирма нусхасини тақдим этади. Шартномаларга Вақтинчалик низомнинг 2-сон иловасида кўрсатилган шаклда тўловлар жадвали илова қилинади.

Молия органи бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим

этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари мавжудлиги масаласида шартномада кўрсатилган суммани текширади.

Агар тузилган шартномага кура туланадиган пул маблағлари суммаси бюджетдан маблағ олувчининг харажатлари сметасида назарда тутилган режали бюджет маблағлари суммасидан ошиб кетса, мазкур шартнома бюджетдан маблағ олувчига руйхатдан утказмасдан кайтарилади.

Шартномани руйхатдан утказиш бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома такдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида шартнома асл нусхаси ва кучирма нусхасининг биринчи варагига "Руйхатдан утказилди" ёзувини қуйиш ва руйхатдан утказиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади, уларни молия органининг мансабдор шахси ўз имзоси ва молия органининг мухри изи билан тасдиқлайди. Руйхатдан утказилгандан кейин руйхатдан утказилган шартноманинг кучирма нусхаси ҳисобга олиш ва саклаш учун молия органида қолади.

Газначиликнинг жавобгар ходими шартномани руйхатдан утказиш тўғрисида суровнома қабул қилгандан кейин қуйидагиларни текшириши керак:

- > Бюджет таснифи тўғри қўлланилганлигини, яъни товар-моддий кийматликлари ва хизматларнинг (шартномалар бўйича) бюджет харажатлари таснифи моддаларига тўғри келишини;
- > Шартномаларга асосан қабул килинган мажбуриятлар бўйича харажатлар сметасида маблағларнинг мавжудлигини;
- > Бюджет ташкилоти мухри ва масъул шахслар имзоларининг мавжудлигини назорати.

Етказиб берувчининг мазкур турдаги махсулотни ишлаб чиқариши ёки сотиши (ишлар бажариши, хизматлар кўрсатиши) учун тегишли рухсатномалари мавжудлиги ва сифати талаб даражасида эканлигини текширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунда тегишли руйхатдан

утганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензиялар ёки патентлар, шунингдек, товарнинг мувофиқдик сертификата, сифат сертификата ва бошқа шу каби талаб килинувчи ҳужжатлар мавжудлиги текширилади ва уларнинг нусхалари илова килинади. Товарлар хориждан келтирилганда, божхона юк баённомалари нусхаси ҳам талаб килинади.

3.2. Ҳазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш тартибини оқилона бошқариш йўллари

Давлат бюджети, Давлат мақсадли фондлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси тизимини ташкил этиш, ўз навбатида, бир қатор қулайликларни ҳам яратади яъни:

- бюджетнинг барча поғоналари (Республика вилоят ва туман) маблағларининг умумлаштирилган бошқарувини амалга оширади ҳамда Давлат бюджетининг Ягона ғазна ҳисобрақамида (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилиши мўлжалланаётган) мавжуд бўлган ресурсларни ҳудудлар бўйича тезкор тақсимлаб, бюджетларда вужудга келган вақтинчалик касса узилишини тартибга солади ва уни бошқариш имконини беради;

- Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан амалга ошириладиган харажатларнинг асосланганлиги, яъни харажат учун зарур бўлган бирламчи бухгалтерия ҳужжатларининг тақдим этилиши ҳамда товар (иш ва хизматлар) сарфларининг белгиланган меъёрларига риоя этилиш механизмининг жорий қилиниши орқали ажратилган бюджет маблағларининг белгиланган харажат турлари бўйича мақсадли ишлатилишини олдиндан ва жорий назоратини ўрнатади;

- бюджет маблағларини бошқарувчи вазирлик, маҳкамалар ва бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобрақамларини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри товар (иш ва хизматлар) етказиб берувчиларга белгиланган харажатлар

бўйича тўловларни амалга оширади ва пул маблағларининг айланиш жараёнини тезлаштиради;

- бюджет ҳисоб рақамларида ишлатилмай тўрган маблағларнинг сурункали қолиб кетишини йўқотиб, тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;

- барча даражадаги бюджетлар ва харажатлар сметаси ижроси ҳисоботларнинг сифатини оширади ва тузиш муддатларини бир неча баробар қисқартиради.

Давлат бюджети, Давлат мақсадли фондлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ижроси жараёнига янги ташкил этилган ғазначилик органларининг, яъни янги бир субъектнинг киритилиши, барча бюджет жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларида ўзига хос механизмни ҳамда Давлат бюджети, Давлат мақсадли фондлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг смета харажатлари ва бюджетдан ташқари маблағлари ижроси билан боғлиқ бўлган барча молиявий жараёнларни янада батафсил тартиблашни талаб этади.

2004 йил август ойида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, Давлат бюджетининг ғазна ижроси билан боғлиқ бўлган муносабатларини тартибга солиб, Давлат бюджети ғазна ижроси, ғазначилик, Ягона ғазначилик ҳисоб рақами, Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби ва ягона ҳисоблар режаси каби тушунча ва атамаларни киритди,

Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби, бу бюджет ижросининг ядроси бўлиб, у мукамал ўрганишни талаб этади.

Давлат бюджети ижроси жараёнида бюджет бухгалтерия ҳисоби юклатилган вазифаларга қараб, икки турга бўлинади:

Бюджет ижроси операциялари ҳисоби (Давлат бюджети, республика бюджети ва. маҳаллий бюджетлар);

Бюджетдан маблағ олувчилар харажатлар сметаси ижроси операциялари ҳисоби.

Давлат бюджети, Давлат мақсадли фондлари ижроси бухгалтерия ҳисоби тегишли бюджетларни ижро этувчи ва хизмат кўрсатувчи ғазначилик органлари томонидан олиб борилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар смета харажатларининг ижроси бухгалтерия ҳисоби ушбу ташкилотнинг тегишли молия бўлимлари томонидан ёки юқори бюджет маблағлари тақсимловчиларининг марказлаштирилган бухгалтериялари ёки ҳисобкитоб марказлари томонидан олиб борилади. Ғазначиликнинг тегишли бўлимлари улардан харажатлар сметаси ижроси бўйича жамланган ҳисоботларни қабул қиладилар ва ўзларидаги маълумотлар билан солиштирадилар.

Ғазначилик органлари Давлат бюджети ижроси бухгалтерияси ҳисоби билан биргаликда ғазначилик томонидан амалга ошириладиган бошқа операциялар (молиявий операциялар ва бошқалар) бўйича ҳам бухгалтерия ҳисобини олиб боради.

Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Давлат бюджети ижроси бухгалтерия ҳисоби давлатимиз томонидан қўйилаётган талаблар асосида уни такомиллаштиришни ва жаҳон стандартларига яқинлаштиришни тақозо этмоқда. Бизнингча, қуйидагилар бюджет ижроси бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг асосий сабабларидан бўлиши мумкин:

- Бозор иқтисодиётига ўтишда, ижтимоий ривожланиш тизими ва иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокининг гегемонлиги;
- Давлат фаолияти ҳақида шаффоф ва ишончли маълумотларнинг зарурлиги;
- ташқи фойдаланувчиларнинг эҳтиёжи (халқаро институтлар).

Ушбу сабаблар, давлат молияси соҳаси ва унинг бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги тасаввурларни қайта кўриб чиқиш учун дастлабки шартлар бўлиб хизмат қилади.

Бу ишлар жараёнида барча ҳисоб ва ҳисобот тамойилларида ўзгаришлар уч йўналишда амалга оширилиши мумкин.

Биринчи йўналиш бу ҳисоб ва ҳисобот субъектларини кўриб чиқиш.

Шак-шубҳасиз, молия-хўжалик фаолияти субъектларини ва уларнинг иқтисодиётнинг қайси бир секторига тегишли эканлигини аниқлаб олмасдан туриб, давлат бошқаруви сектори фаолияти ҳақидаги асл маълумотларни шакллантириш мумкин эмас. Масалан, давлат унитар корхоналарини (масалан «Ўзбекнефтегаз» ДАК ва бошқалар) мамлакатнинг умумий ҳисоботига қўшиш ёки қўшмаслик. Бундай ҳолда, ҳисобот кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгариши мумкин, лекин бу ҳисобот хато ёки ишончсиз деган маънони англатмайди. Лекин, унга асосан давлат бошқарув органлари фаолиятини баҳолаб бўлмайди.

Давлат бошқаруви сектори таркибига у ёки бу бирликларни қўшишқарорлари, қонуниятлар билан мустаҳкамланиши ва давлат субъекти (институционал бирлик) сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Лекин, шу билан бирга, иқтисодиётни секторларга ажратишнинг асосий таянувчи тамойиллари барча давлат секторлари учун умумий ва халқаро тажрибани ҳисобга олган бўлиши керак.

Иккинчи йўналиш - бу ҳисобга олиш ти-зимини қамраб олишнинг кенгайтириши билан боғлиқ бўлган ҳисобга олиш объектларини қайта кўриб чиқишдир. Амалдаги тизимда давлат молияси бухгалтерия ҳисоби тақдим қилаётган маълумотлар самарали бошқариш учун етарли эмас, чуқи унда активлар, олинган мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлар келтирилмаган ва ҳисобга олиш методи қабул қилинмаган. Шунинг учун бюджетдан маблағ олувчиларнинг Давлат бюджети ҳисобига харажатларини амалга ошириш тартиби, яъни ажратилиши кўзда тутилган бюджет маблағлари, бюджет маблағлари олувчиларнинг мажбуриятлари ҳажми ҳақидаги маълумотларни олиш зарурияти пайдо бўлади. Шу билан бир қаторда, тўлиқ тушмаган даромадлар (боқимандалар) ва амалга оширилмай қолган харажатлар ҳақидаги маълумотлар ҳам талаб этилади, буларнинг барчаси давлат молиявий ресурсларини бошқаришда жуда зарур ахборот ҳисобланади.

Шунинг учун бюджет жараёнини бошқариш ҳамда ушбу бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган тўлиқ маълумотларни олиш

имкониятини берадиган ҳисобга олиш объектини нафақат аниқлаштириш, балки уни кенгайтириш зарурияти талаб қилинади.

Албатта, ҳозирги ҳисобга олиш тизимида активлар ва мажбуриятлар ҳақида маълумот мавжуд эмас эди деб бўлмайди. Шубҳасиз мавжуд, лекин у бюджетни режалаштириш босқичида қўлланилади, бухгалтерия ҳисоби доирасида эса фойдаланилмайди. Бу маълумотлар масалан, рўйхатдан ўтказиш, назорат ва аналитик ҳисоблар (ординар ёзув, инвентарларни ҳисобга олиш), тариқасида бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларга дебитор ва кредитор қарздорлик, номолиявий активлар ҳолати ҳақидаги маълумотнома сифатида илова қилинади. Бундай ҳисобга олиш тизимининг камчилиги, уларнинг шаффоф эмаслиги ва тегишли назоратнинг йўқлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Айни тараққиёт босқичида барча активлар ва мажбуриятларнинг шакллари бирлаштириш имкониятини берадиган, интег-рациялашган бухгалтерия ҳисобини яратишга қатъий зарурият пайдо бўлади.

Учинчи йўналиш - бу ҳисоботларни стандартлаштириш, аввало ягона молиявий ҳамжамиятга давлатлар бирлашиши жараёни билан боғлиқдир. Бунда шуни таъкидлаш керакки, бухгалтерия ҳисобини ягона стандартлаштириш мумкин эмас, яъни айнан бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари бўлиши мумкин эмас, чунки бу турли давлатларда турлича бўлиши мумкин бўлган, ўзига хос назорат механизмидир, стандартлаштириш бу фақат ҳисоботларни тайёрлашдаги ёндашувларга тегишли бўлиши мумкин.

3.3. Ғазначилик тизимида юридик ва молиявий мажбуриятларни тўғри рўйхатга олишида ғазна сиёсати таъсирини кучайтириш йўллари

Ҳозирги кунга келиб, ер юзидаги барча давлатларнинг миллий иқтисодиёти шартли ҳолатда режали, эркин бозор, ижтимоий йуналтирилган бозор ёки аралаш, яъни бозор иқтисодиёти ва режали иқтисодиётнинг уйғунлашган шаклида олиб борилмоқда. Алоҳида давлатнинг миллий

иқтисодиёти мослашган шаклга мос равишда ғазна сиёсати стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилмоқда.

Одатда ғазна стратегияси ва тактикаси алоҳида давлатнинг миллий менталитети ва географик жойлашувини инобатга олиб ишлаб чиқилади. Шу борада молиявий сиёсат стратегияси ва тактикасига изох берадиган бўлсак, у махсус адабиётларда қуйидаги мазмунни англатади.

Ғазна сиёсати мамлакатда молиявий, ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланишнинг узоқ муддатли ва кенг - миқёсли чоратadbирлар йиғндиси эътироф этилади. Ғазна сиёсатини шарҳлайдиган бўлсак, мўлжалланган самарали йўллар билан эришиш учун қисқа муддатда ва тезкор вазифаларни бажариш масалалари мажмуаси кўрилади. Ғазна сиёсати анча эгилувчан хусусиятга эгадир.

Ғазна сиёсати мамлакат миллий иқтисодиётини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу соҳага юксак миқёсда эътибор бериб келинмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги пайтларда мамлакатимизда одилона ва оқилона олиб борилган ғазна сиёсати натижасида молия тизимида мисли кўрилмаган ютуқларга эришмоқдамиз. Жумладан 2005 молия йилдан буён молия тизимига ғазначилик институтини жорий этилиш натижасида давлат бюджети зеро дефицит билан тасдиқланган бўлса-да, аммо молия йили якунида профицит билан якун топиши бу ички ютуқларимиз таркибига киради. МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб ОТБ (Осиё тараққиёт банки)нинг бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтгани олиб борилаётган молия сиёсатимизнинг ташқи дунё эътироф этишидан ва ташқи ютуқларимиздан далолат беради.

Жаҳон ҳамжамияти ва шунингдек, ўзимизнинг босиб ўтган иқтисодий тажрибаларга таяниб айтадиган бўлсак, давлат ўз олдига қуйилган вазифаларни ижро этиш ва молиявий маблағлар билан таъминлаши учун давлат бюджети ва бюджетдан ташқари марказлашган жамғармаларга таяниб

иш тутади. Одатда ва амалиётда Давлат бюджетини мамлакатнинг асосий молия режаси деб аташади. Бундай дейишга таъсир этган бош омил шундан иборатки, давлат молиясининг қарийб 75-78 фоиз даромадлари ва шунга мос равишдаги харажатлари айнан давлат бюджети орқали амалга оширилади. Қолган қисми эса 10 га яқин бўлган бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳиссасига тўғри келади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан маълум бўляптики, ғазна давлат молиясини ташкил этиш, тақсимлаш ва бошқаришда муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Шу боис, барча ривожланган мамлакатлар катори бизнинг республикамызда ҳам мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, мухтарам Президентимиз раҳнамолигида давлат молияси ва унинг таркибий қисми ҳисобланган давлат бюджетини давр талабига мос равишда ислоҳ этиш ва мамлакатимизни жаҳон интеграциясига тезкор яқинлашишини таъминлашига хизмат кўрсатишини эътиборга олиб, бу соҳада қатор чора-тадбирларни амалга оширилиб келинмоқда. Чора-тадбирлар кўлами бошқа тармоқ ва соҳаларга нисбатан жуда кенг. Шулар ичидан энг асосийси бўлиб, 2004 йил 26 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги қонуни ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг устувор жиҳати шундан иборатки, қонун асосан харажатлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу жуда ўринли бўлиб, давлат боджетининг - камомадини камайтиришга яқиндан ёрдам беради.

Муқаддам мавжуд бўлган иқтисодий адабиётлардан бизга маълумки, давлат бюджетида мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотга нисбатан "N" сумма камомад пайдо бўлганда, унинг қоплаш манбалари ҳақида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқарилар эди. Хусусан, солиқлар ставкасини ошириш ёки сонини кўпайтириш, харажатларни тенг равишда пасайтириш (фанда секвестор усули дейилади), муомалага нақд пул эмиссия қилиш, давлат ғазначилик мажбурият(облигация) ларини муомалага чиқариш ва ҳаказолар ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилар эди. Лекин ҳеч қачон

режалаштирилган ва режалаштирилаётган харажатлар самарадорлигини таъминлаш ёки ошириш ҳақида фикр билдирилмаган.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун эса юқорида қайд этилган, яъни камомадни қоплаш манбаларини эътиборга олган ҳолда, аммо энг асосий урғуни бюджет харажатларининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу жараён жуда тўғри Ва оқилона сиёсат булиб, бир вақтнинг ўзида солиқ тўловуи субъектлардан солиқ юкини камайтириш билан бирга, "мамлакатдаги пул бирлиги сумнинг кадрсизланишини олдини олишга ҳам яқиндан хизмат курсатмокда.


Харажатлар самарадорлигини ошириш қандай йуллар билан амалга оширилаяпти мазмунидаги саволга жавоб сифатида ҳозирги кунда ҳам 2000 йил 21 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 456-сонли қарорига мувофиқ давлат бюджетидан маблағ олувчи субъектлар қиймати 100 000 АҚШ долларига тенг ва ундан ошиқ бўлган суммадаги шартнома булган тақдирда, албатта оммавий ахборот воситалари орқали тендер эълон қилиши лозим. Бизнинг иқтисодий тажрибамизга мувофиқ, тендерда иштироқ этишда камида маҳсулот, иш ёки хизмат тақдим этувчи учта юридик шахс иштироқ этиши шарт. Амалиётдан бизга маълумки, аукцион билан тендер оммавий равишда ташкил этиладиган савдо жараёни ҳисобланади. Аммо, аукцион буладиган савдо жараёни тендерда буладиган савдо жараёнига тескари пропорционал бўлади Яъни аукционда қуйилаётган объектга ким катта сумма тақдим этса ютиш имкониятига эга бўлади, тендерда шунинг билакси, яъни ким сифатли ва нархи кичик бўлган шартномани тақдим этган шароитда ютиш имкониятига эга булади.

Қонун қабул қилингандан кейин - Ғазначилик институти миллий иқтисодиётда 2005 молия йилидан бошлаб кенг миқёсда жорий этила бошланди. Ғазначилик институтининг устувор жиҳати шунда намоён бўляптики, ҳар бюджет йилида давлат бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,0 фоиз атрофида камомад билан тасдиқланаётгвн бўлсада, аммо оқилона ва одилона олиб борилаётган молиявий сиёсат натижасида қатор

йиллардан буен бюджет йили профицит билан якун топмоқда. Бунга амин бўлиш учун қуйидаги статистик маълумотларга мурожаат қиламиз (1-диаграммага қarang). Диаграмма маълумотларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, бюджет камомати 2005 молия йилида мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0.1 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 молия йилида ушбу кўрсаткич 0.4 фоизни ташкил этди. 2007 молия йилида эса 0.9 фоизни ташкил этган бир шароитда 2008 молия йилида 1.5 фоизга етди. Кейинги молия йилларида суръат бир оз пасайган бўлсада, аммо ижобий кўрсаткич сақланиб қолганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

1-диаграмма

2005-2011 молия йилларида Давлат бюджетининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан профицит кўрсаткичлари ҳақида маълумот¹⁶



Мухтарам Президентимиз, бу борада шундай деган эди: "2012 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи – 7 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 5 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил якунларига бағишланган маърузалари асосида тайёрланган.

ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилганини таъкидлаш зарур"¹⁷. Эътибор қиладиган бўлсак, зеро солиқ, тўловчи субъектларига белгиланаётган солиқ, ставкалари камаяётган бир шароитда ҳам молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ғазначилик институтининг самарали меҳнати сабаб давлат бюджети профицит билан қарор топмоқда.

¹⁷ Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқдисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

IV БОБ. ПАЙАРИҚ ТУМАН ҒАЗНАЧИЛИК БЎЛИНМАСИДА ҲАЁТ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт ҳауолияти ҳавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон ҳавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли ҳавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Ҳамият ва табиат асоси, уни ўз ҳауолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт ҳауолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт ҳауолияти ҳавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг ҳамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, ҳауолият олиб боришида муҳитнинг ҳавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини

сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк қадамларни қўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирқичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният ХХІ асрга қадам қўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совуқ урушлар, тинчлик даврларида қўлланилган замонавий қуроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил қилади ва янги аср бўсағасида бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асослаган ҳолда белгилаб олади.

ХХ аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин

куроллари ва хужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшабини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмаси ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини

таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутadi.

Сўнгги вақтларда соълиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган соълиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечоқлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига боълиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйилмаган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилиятсизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини принципиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹⁸ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол

¹⁸ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ ҳўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизатсиялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок кўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин

муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармок (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол катнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Цех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

Ø Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

Ø саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

Ø Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазибаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

Ø ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

Ø корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

Ø ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

Ø ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

Ø ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш

жихатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва мухандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош мухандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- Ø ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- Ø объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- Ø ишчи-хизматчилар ва мухандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лекциялар ўтказди; ратационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб

қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнгин жихатидан хавфсизлиги корхона худудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойихаланади. Корхона худуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнгин жихатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнгин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулотда вазият (ФВ)¹⁹ — маълум худудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулотда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнгинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

¹⁹ Фавқулотда вазият кейингиларда-ФВ

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: кургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

- 1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- 2 Маҳаллий ФВ;
- 3 Республика (миллий) ФВ;
- 4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса,

оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган Туркменистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокат келтирувчи вазиятдир. Шунинг учун охирги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон давлатининг куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, Юнесейф ва бошқ.) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

1 Табиий тусдаги ФВ;

2 Техноген тусдаги ФВ;

3 Экологик тусдаги ФВларга бўлинади. Табиий тусдаги Фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ходисалар киради:

1) геологик хавфли ходисалар: зилзилалар, ер кучишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ходисалар;

2) гидрометеорологик хавфли ходисалар: сув тошқинлари, селлар, қор қўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ходисалар;

3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сибир яраси ва ҳоказо), юқумли касалликлар, риккетсиалар эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар — Сибир яраси, қутуриш, вирусли инфекциялар — СПИД;

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки каттиқ шикастланишига ҳамда кидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланидиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг кўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқларидаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авариякутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шовшшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юкори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шовшилишч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа захарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг захарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил захарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;

б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир захарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. Пайариқ туман Ғазначилик бўлинмасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришlash юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар

томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни

қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз қийғизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкадан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чикмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётини қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усуламалларини қўлланиш учун ба-жарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини ўрганиб чиқиш натижасида шуни кўриш мумкинки, улар жуда ҳам батафсил тузилмаган ва унинг асосида тўлиқ бухгалтерия ҳисобини шакллантириб бўлмайди, аммо баъзи бир иқтисодий ҳаракатларни баҳолашнинг умумий тамойилларига риоя этилиши лозим. Шундай қилиб, ҳисобга олиш тизими ривожланишининг учинчи йўналиши стандартлаштиришдир.

Энди ҳисоб объектлари, ҳисоб олиб бориш методлари ва ҳисоботни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқамиз.

Бухгалтерия ҳисоби амалиётида ҳисобнинг 4 методи мавжуд. Улар давлат сектори молиявий ҳисоботи халқаро стандартларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Халқаро бухгалтерлар Федерацияси томонидан белгиланган.

Булар:

- касса методи;
- мослаштирилган касса методи;
- мослаштирилган ҳисобга олиш методи;
- ҳисобга олиш методи.

Ҳисобнинг касса методи - бу пул маблағларини олганда ёки тўланганда тан олиниши, ҳисобга олиш методида активлар ва мажбуриятлар пайдо бўлган ёки иқтисодий қиймати ўзгарган пайтда тан олинишидир. Мана шу икки нарсага аниқлик киритилгандан кейин даромадлар ва харажатлар касса методига кўра ва ҳисобга олиш методига кўра қай ҳолатда бўлиши намоён бўлади.

Мисол сифатида касса методида ҳисо-ботни уч қисмдан иборат бўлган соддалаштирилган шаклда келтириш мумкин, яъни: даромадлар, харажатлар ва бюджет камомадини қоплаш манбалари. Бу қисмлар пул маблағлари ҳақиқий пул маблағлари қолдиқларини кўрсатиб туради, яъни бюджет

даромадлари ва харажатлари бюджет ҳисобрақамларига пул кирими ва чиқими-ни акс эттиради.

Ҳисобга олиш методида қолдиқ (номолиявий активлар қолдиғи, молиявий активлар қолдиғи, мажбуриятлар қолдиғи) каби тушунчалар вужудга келади ва даромадлар ва харажатлар алоҳида кўрсатилади.

Агар ҳисобга олиш методи ҳақида гапирадиган бўлсак, у бошқариш учун улкан имкониятлар яратади, яъни давлат активлари ва мажбуриятлар ҳақида тўлиқ маълумот беради. Шу билан бирга, унда барча давлатда қўллашга ҳалакит берадиган катта принципиал камчилик мавжуд - у ҳам бўлса, унинг ғазначиликда банк ҳисобрақамлари-даги кўчирмалардан оддий касса оқимларини қайд этишга нисбатан мураккаблиги ва кўп меҳнат талаб этишидир. Ҳисобга олиш методи каттиқ тартиблаштирилган бўлиши лозим.

Халқаро валюта фонди ХВФ 2001 - Давлат молияси статистикаси қўлланмаси яратиш билан стандартлаштириш жараёнига янги қадам қўйилди. Унда ҳисоблаш методи асосий тамойиллари, активлар ва мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларга тавсифлар, макроиктисодий анализ учун статистик маълумотлар, иқтисодиёт секторларини ташкил этишнинг тавсифлари батафсил баён этилган.

Шу сабабли, Халқаро бухгалтерия федерациясининг (IFAC) Давлат секторида молиявий ҳисобот халқаро стандартларини тузишга зарурият туғилди.

Биринчи стандартлар 2000 йил май ойида яратилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳисобга олиш методи учун 21 стандарт ва касса методи учун битта стандарт расман чоп этилган. Бу стандартлар ҳозирча соф кўринишда қўлланилмай, балки улардан ҳар бир давлатнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилмоқда.

Юқорида қайд этилаётганидек, бюджет ижросига ғазначилик тизимини жорий этишдан катта-катта иқтисодий самаралар олинishi мумкин. Авваламбор молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши учун яхши хамин яратиб берилмоқда. Буни юқорида айтилган фикрлар ҳам тасдиқлаб беради.

Аммо, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб мамлакатимиз олдига қўйилаётган вазифаларни қисқа муддатларда ва ўз вақтида бажариш учун биз томонимиздан қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Шу жумладан ғазначилик тизимида ҳам. Хусусан:

- бюджет маблағаридан фойдаланаётган истеъмолчилар томонидан ғазначилик институтига тақдим этилаётган расмий хужжатлар ва ортиқча қоғозлар ҳажмини кескин камайитириш мақсадга мувофиқ;

- ғазначилик тизимининг иш фаолиятини самарали ташкил этиш ўз навбатида унинг мижозлар иш фаолиятини яхшилашга олиб келишини эътироф этиб, республика миқёсида электрон ҳисоб-китобларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим;

- республика ғазначилик тизимида фаол иштирок этаётган шаҳар ва вилоят ғазначилик бўлимлари, шунингдек, интизомли ҳамда меъёрий хужжатларга тўлиқ амал қилаётган истеъмолчиларни оммавий ахборот воситалари орқали рағбатлантириб туриш мақсадга мувофиқ;

- нисбатан янги институт бўлган ғазначилик тизми учун етук ва малакали кадрларни тайёрлаш ва уларга камида ҳар уч йилда бир маротаба малака ошириш жараёнларини ташкил этиш. Шунингдек, хорижий тилларни яхши ўзлаштирган бўлиб ғазначилик соҳасида илмий иш олиб бораётган ва шу соҳада қатор йиллардан буён фаолият юритаётган мутахассисларни ғазначилик институтидан асрлар давомида фойдаланиб келаётган чет давлатларига амалий тажриба алмашишга юбориш лозим.

Аминмизки, юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар қисқа муддатларда бартараф этиш мумкин бўлган муаммолар ҳисобланади. Агар уларга эътибор бериладиган бўлса бюджет ижросини янада самарали ташкил этишга қулай имконият яратилади. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётига ҳамон дунё миқёсида ўз таъсирини кўрсатиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсири янада камайишига қулай туртки бўлади. Бу эса жойларда молиявий мажбуриятларни тўлиқ бажарилиш имконияти яратиб беради. Ғазна сиёсати доимо молиявий мажбуриятларга тўлиқ

бажарилишини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. \\ Халқ сўзи. 2000. 14 январ.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \\ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1994. 20-бет.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
7. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011.-48-б.
9. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 463-б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 101-б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 179- б.
12. Абрамова А. М., Александрова Л. С. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебное пособие. - М.: 1999.- 335с.

13. Акпаров И.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: Финансы и статистика, 2002.
14. Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью аналитических возможностей БОР // Финансы, № 11, 2006.
15. Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью системы сбалансированных целевых показателей // Финансы, № 9, 2004.
16. Бородин А.Н. О результативности расходования бюджетных средств // № 9, 2005.
17. Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
18. Вахобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 287б.
19. Вахобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
20. Гусев С.И., Швецов Ю.Г. О роли федерального казначейства в финансовой системе государства // Финансы № 11, 2004,
21. Дроздов О.И. Оценка зрелости казначейской системы // Финансы, № 2, 2007.
22. Дубинина И.В. Реформирование бюджетной классификации РФ // Финансы, № 12, 2004.
23. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.
24. Зueva И.А. Пути внедрения государственного аудита // Финансы, № 5, 2005.
25. К вопросу о сущности казначейского исполнения бюджетов // Финансы, № 11, 2006
26. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия. 2005.
27. Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет.

- 28.Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2007. 396 б.
- 29.Костюченко В.Ф. Пути реализации реформы местного самоуправления казначейскими органами //Финансы, № 9, 2005.
- 30.Крохина Ю.А. Конституционные основы казначейской системы исполнения бюджетов субъектов РФ //Финансы, № 11, 2006.
- 31.Кучкарова Т.С., Тербиленко Б.Н. Выбор казначейской системы исполнения бюджета в странах СНГ //Финансы, № 9, 2005.
- 32.Лаврова А.М. Бюджетная реформа 2001-2008 гг.: от управления затратами к управлению результатами.
- 33.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.
- 34.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 35.Нестеренко Т.Г. О развитии федерального казначейства //Финансы, № 12, 2005.
- 36.Нестеренко Т.Г. Федеральное казначейство на новом этапе //Финансы, № 4, 2005.
- 37.Никитина Т.Р. Применение ответственности за нецелевое использование бюджетных средств // Финансы, № 11, 2005.
- 38.Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (2008 йил 1 январдан киритилган ўзгаришлар) . – Т.: Iqtisod-moliya, 2008.
- 39.Пансков В.Г. Аудит эффективности расходования государственных средств //Финансы, № 5, 2006.
- 40.Пахомов С.Б. Секьюритизация доходов бюджета территориального образования и облигационные займы: опыт Нью-Йорка //Финансы, № 12, 2006.
- 41.Принципы организации казначейского исполнения государственного бюджета Республики Узбекистан. - Т.: Мир экономики и права, 2005. – 318 с.

42. Сабитова Н.М. Некоторые вопросы реформирования бюджетного процесса в РФ // Финансы, № 7, 2005.
43. Тимирханова Л.Р. Новый порядок финансирования расходов федерального бюджета // Финансы, № 7, 2005.
44. Цыденмункуева Т.Ч. Доходы бюджетных учреждений от предпринимательской и иной деятельности // Финансы, № 12, 2006.
45. Чичелёв М.Е. О дальнейшем совершенствовании бюджетного процесса // Финансы, № 2, 2006.
46. Шахова Г.Я., Боженко И.П. Государственные расходы и социально-экономическое развитие // Финансы, № 8, 2005.
47. Журнал ва газеталар: - Бозор, пул ва кредит 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Ўзбекистон иқтисодий аҳборотномаси 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2006-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Солиқ ва божхона хабарлари 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари.
48. Интернет сайтлари:
- http: // www.minfin.ru
- http: // www.mf.uz
- http: // www.budget.ru
- http: // www.df.ru
- http: // www.nalog.ru
- http: // www.finansy.ru
- http: // www.finance.rambler.ru